



**ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW**

journal homepage:  
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

## BORDER PROBLEMS IN CENTRAL ASIA AND OPPORTUNITIES TO SOLVE THEM

*Oybek Sirojov*

*Doctor of Political Sciences, Professor  
Tashkent Institute of Chemical Technology  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, border, defense, decision, decree.

**Received:** 14.05.22

**Accepted:** 16.05.22

**Published:** 18.05.22

**Abstract:** This scientific article describes the solution of border problems and the defense system in Central Asia. Execution of decrees issued by the state to eliminate border problems is disclosed.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЧЕГАРА МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Ойбек Сирожов*

*Сиёсий фанлар доктори, профессор  
Тошкент кимё-техннология институти  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, чегара, мудофаа, қарор, фармон.

**Аннотация:** Мазкур илмий мақолада Марказий Осиёда чегара муаммолари, мудофаа тизимини ҳал қилиш очиб берилган. Давлат томонидан чегара муаммоларини бартараф этиш мақсадида чиқаётган қарор-фармонларнинг ижролари хусусида гап боради.

## ПОГРАНИЧНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ВОЗМОЖНОСТИ ИХ РЕШЕНИЯ

**Ойбек Сирожсов**

*Доктор политических наук, профессор*

*Ташкентский химико-технологический институт*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Средняя Азия, граница, оборона, решение, указ.

**Аннотация:** В данной научной статье описывается решение пограничных проблем и система обороны в Центральной Азии. Раскрывается исполнение постановлений, издаваемых государством для устранения пограничных проблем.

### КИРИШ

Маълумки, кейинги вақтда минтақамиздаги чегара муаммоси долзарблашиб қуролли тўқнашув даражасигача чиқмоқда. Жумладан, Тожикистон Қирғизистон ўртасидаги чегарада қуролли тўқнашувлар тез-тез такрорланмоқда. Ушбу мақолада муаммони сиёсий ечимлари ҳақида тўхталамиз.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиё ҳудуди 4 млн км<sup>2</sup> ни ташкил этиб, Европани Осиё билан боғлаб турувчи минтақа ҳисобланади. Марказий Осиё давлатлари бир географик маконда жойлашиб, умумий географик муаммолар, жумладан, чегара муаммосига эга. Марказий Осиё чегаравий масалаларининг илдизи ўтган асрнинг 20-йилларига бориб тақалади. Минтақада ҳозир амал қилинаётган маъмурий-ҳудудий бўлиниш 1924 йили қабул қилинган Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг “Маъмурий-ҳудудий бўлиниш тўғрисида” ги фармони асосида амалга оширилган бўлиб, тарихий давлатчилик, этник хусусиятлар инобатга олинмаган.

Ундан ташқари у даврда чегараланиш бир давлат территориясидаги администрив чегараланиш сифатида ёндашилиб ўтказилган. Оқибатда давлатлар мустақилликка эришгандан кейин мустақил давлат сифатида чегарани белгилашда анклав ва эксклав ҳудудлар шаклланиб, муаммолар содир бўлди. Жумладан, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара узунлиги 980 км бўлса, шундан қарийб 400 кми ҳалигача делимитация қилинмаган. Ёки бугунги кунда мавжуд хўжалик тизимлари (сугориш, транспорт-коммуникация)дан фойдаланишдаги келишмовчиликлар ҳам низоларга сабб бўлмоқда. Яъни бир томон иккинчи томонни юқоридаги масалаларда адолатсизликда айблаб можарони бошлайди. Масалан, 2020 йил 31 майдаги Ўзбекистон Қирғизистон ҳудудидаги аҳоли ўртасидаги можаро ҳам икки қишлоқ Чашма (Ўзбекистон) ва Чечма (Қирғизистон)

қишлоғи аҳолиси ўртасида сув тақсимоти масаласида келишморчилик ўзаро муштлашув ва тошбўронга айланиб кетган. Ёки 2022 йил 27 январда Тожикистон худудини Воррух анклави билан боғлайдиган йўлни ёпиб қўйилиши можарога сабаб бўлган.

### Муаммони ечими

Муаммони ечими ҳақида тадқиқотчилар ва мутахассислар делимитация ва демаркация жараёнларини тезлаштиришни, якунлашни илгари сурадилар.

Аслида бу жараённи таҳлил қиласидиган бўлсак 1992 йилдан бошлаб давлатлараро комиссиялари тузилиб чегаралаш жараёни бошланган. Баҳсли бўлмаган ҳудудлар аллақачон чегараланганд. Масалан, Ўзбекистон давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича Марказий Осиё давлатлари билан музокаралар жараёни 2000 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгилаш ва жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бошланган.

Ушбу жараён 2000 йил сентябрда Ашхободда Туркманистон билан юқорида қайд этилган чегара тўғрисидаги келишув имзоланишига қадар давом этди. 2002 йил 5 октябрда Душанбеда ўзбек-тожик чегарасининг келишилган қисми тўғрисидаги келишув имзоланди.

Ўзбекистоннинг ҳудудий жиҳатдан энг катта қўшниларидан бири Қозоғистон ҳисобланади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги чегара 2150 кмни ташкил этади. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар мустақил давлатлар сифатида 1992 йил 23 ноябрдаги келишувдан сўнг ўрнатилган. 1994 йил 23-30 май кунлари Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари, 1995 йил 20-27 май кунлари Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Бунда икки давлат раҳбарлари ҳам ташрифлар алмашдилар. 1998 йил 31 октябрда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида “Абадий дўстлик” ҳақида битим имзоланди. Икки томонлама ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги чегараларнинг делимитацияси якунланган. Шу тариқа икки давлат ўртасидаги баҳсли чегаралар бартараф этилди. Ҳозирга қадар икки давлат ўртасида 170 дан ортиқ икки томонлама шартномалар имзоланган.

Аммо бошқа қўшни мамлакатлар билан чегараларни қатъий тартибга солиш бўйича 15 йилдан буён давом этаётган музокаралар кутилган натижа бермаган. Тўғри ёндашилганда оқилона ечим топиш мумкин бўлган масалалар бўйича олиб борилган қўп йиллик баҳс-мунозаралар ва ҳаттоқи қарама-қаршиликлар кўпинча келишмовчиликлар ва ҳатто чегарада тўқнашувлар содир бўлишига ҳам олиб келди.

Муаммо баҳсли ҳудудлар ҳисобланади. Масалан, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги 70 участка баҳсли ҳудуд ҳисобланади. Яъни бу муаммони тезда бартараф этиб

бўлмайди. Шундай экан муаммони ечими сифатида биз бошқача ечим интеграцион жараёнларни шакллантириш орқали давлатлараро баҳсли ҳуддларни ҳам административ аҳамиятга эга чегараланишга ўтказишни тавсия этамиз.

Ўтган вақтдаги чегара можаролар тарихи кўрсатадики, можарога қуролли кучларни аралашуви кескинликни янада кучайтиради. Масалан, 2020 йил майдаги қирхизистон ва Ўзбекистон чегараси ҳудудидаги аҳоли тўқнашувида калтакланишлар, тошбўронлар бўлган. Аммо можарога ҳарбийлар аралашмаган. Шу жиҳатдан талоқат ҳам камроқ бўлган. Муҳими бунда чегара ҳудудидаги чегарачилар можарога аралашмаган. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари кейинчалик ҳукумат раҳбарлари аралашуви билан можаро ҳал қилинган. Ўтган йили майда бошланган қуролли тўқнашув Бопкент вилоятидаги Тўрткул сув ҳавзасини сув билан таъминлайдиган сув ажраткич атрофида Тожикистон чегарачилари томонидан видео кузатув ускуналарини ўрнатилиши ўша атрофда яшаётган қирғизлар норозилигига сабаб бўлиб аввалига оммавий муштлашув, тошбўрон бошланган кейинчалик бу чегара қўшинлари ўртасидаги қуролли тўқнашувга айланиб кетди.

Кейинги йилларда бундай ҳолат яъни чегара ҳудудида можарони тез тез такрорланишини сабабларидан яна бири минтақада табиий климатик вазиятни ёмонлашиб бораётганлиги (сув захираларини камайиб бораётганлиги йилдан йилга сув оқими камайиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Можарони эписцентри бўлган Фарғона водийси мисолида вазиятни таҳлил қилсак. Бу ер дунё миқёсида аҳоли энг зич жойлашаган худуд шундай экан у ерда ер кам унга эҳтиёж юқори бир қарич ер ҳам қадрли асосий аҳоли дехқончилик билан шуғулланади. Сув га талаб ҳам юқори. Ечими эса водийда хизмат кўрсатиш тизимини (Масалан, 2022 йил 13 май Ўзбекистон президентининг Фарғона вилоятида ташрифи чоғида Сўғд тумани ҳокими туманда медицина туризмини ривожланаётганлиги кейинги бир йилда 480 нақар қирғизистонлик туман касалхоналарида даволаниш учун келганлигини қайд этди.) ривожлантириш. Шу билан бирга ирригация тизимида замонавий тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади.

Яна бир ечим сифатида ўзаро келишиб асоратларни биргаликда ечимини излаш. Масалан, Қозоғистон Қирғизистонга жуда арzon нархларда электр энергияси етказиб беради. Қирғизистон унинг эвазига Қозоғистоннинг жанубий районлари дехқончилиги учун сув билан таъминлайди. Жумладан, Қирғизистондаги Тўхтагул ГЭС республикани қарийб 50 % электрга эҳтиёжини қондиради. Аммо кейинги 5 йил ичida сув сатхининг 10 метрдан ошиқ тушиб кетиши уни ярим қувватга ишлаши сабаб бўляпти ечим қўшниларга сув бермасдан уни тўлдириб қувватини ошириш ёки сув бериб зарарни биргаликда баҳам

кўриш. Худди шундай тажрибани Ўзбекистон мисолида ҳам қайд этиш мумкин. Юртимиз ҳам Қирғизистонга электр энергияни экспорт қиласди.

Яна бир ечим, делимитация ва демаркация жараёнларини белгилашда давлатлараро комиссия билан бирга ҳалқ вакилларини ҳам жалаб қилиши яъни давлат комиссияси мутасаддилари ўзаро келишувларни ҳалқ вакиллари билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширишлари керак. Чегараолди худуларда қишлоқ оқсоқоллари ролини ошириб можароли вазиятни аввало улар ҳал қилиши ҳал қилинмаганда туман маъмуриятига, ёки вилоят мамуриятига зарур бўлганда республика мамуриятига тўғридан-тўғри етказиш тизимини шакллантириш муҳим.

Яна бир ечим чегара ҳудудларидаги муаммоларни ҳал қилишда ҳалқ дипломатияси ва тарғиботидан самарали фойдаланиш керак. Яқин ўтмишдаги қонли тўқнашувдан асосан ҳалқ жабр кўрганлигини жонли мисоллар орқали чегара районларда яшовчи аҳолига кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ. Зиёлийлар имкониятларидан фойдаланиб ҳалқни муаммолари илмий нуқтаи назардан ўрганиб давра сұғбатларида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА

Қолаверса давлатларни чегараолди транспорт коммуникация тизимидан фойдаланишда бир томонлама қарорлар қабул қилишдан воз кечиш керак.

Хуллас минтақада чегара муаммоси долзарб бўлиши билан бирга унинг оқилона еимлари ҳам мавжуд ана шу оқилона еимларидан фойдалана олишимиз минтақамиз барқарорлиги ва тинчлигини кафолати хисобланади.